

Британиядаги мусулмонлар банк ҳисобларининг ноқонуний ёпилаётганидан ҳавотирда



12:23 / 04.08.2023 1419

Британия Муслмонлар кенгаши мамлакатдаги молия институтлари банк ҳисобларининг ноқонуний ёпилишини муслмонларга нисбатан камситиш дея айблади. Бу ҳақда РИА Новости манбаси хабар берди.

Буюк Британия Муслмонлар кенгаши Бош вазирга, Молия вазирлиги канцлерига, мухолифат партия етакчиларига ва Ғазначилик доимий котибига мактуб йўллаб, муслмонлар ва муслмон ташкилотларига тегишли банк ҳисоблари ўзбошимчалик билан ёпилаётгани ҳақида маълум қилган ва ҳавотирда эканлигини билдириб ўтган.

Муслмон ташкилотида қайд этилишича, ҳисоб рақамларнинг ноқонуний ёпилиши билан боғлиқ вазиятларнинг давом этаётганига салкам бир йилдан ошган. Бироқ британиялик муслмонлар ҳамон молиявий ташкилотлардан у ёки бу ҳисобни ёпиш сабаблари ҳақида жавоб ололмапти.